



## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ СОЛИҚЛИ ДАРОМАД БАЗАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Соатова Нодира Бобохановна -**  
Ташкент молия институти  
Молия кафедраси доценти, (PhD)

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss5/a33](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a33)

**Аннотация.** Мазкур мақолада маҳаллий бюджетнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш ўйлари, маҳаллий бюджетларниң солиқли даромадлари базаларини шакллантириш, маҳаллий бюджетларниң даромад ўйналишларини белгилаш, солиқли даромадларниң турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимлаш механизмлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджетни режалаштириш, маҳаллий солиқлар, даромад базалари, даромад сиёсати, давлат бюджети, худудлар молияси, маҳаллий башқарув органлари, бюджетлараро муносабатлар, юридик шахслар, жисмоний шахслар, мажбурий тўловлар, солиқ ставкалари, солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқли даромадлар.

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАЛОГООБЛОЖЕННОЙ ДОХОДНОЙ БАЗЫ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

**Соатова Нодира Бобохановна -**  
Ташкентский финансовый институт  
доцент кафедры Финансы, (PhD)

**Аннотация.** В данной статье описаны пути укрепления доходной базы местного бюджета, формирование доходной налоговой базы местных бюджетов, определение доходной направленности местных бюджетов, механизмы распределения налоговых поступлений между различными уровнями бюджетов.

**Ключевые слова:** местный бюджет, местное бюджетное планирование, местные налоги, доходная база, доходная политика, государственный бюджет, региональные финансы, органы местного самоуправления, межбюджетные отношения, юридические лица, физические лица, обязательные платежи, налоговые ставки, налоговая система, налоговая политика, налогооблагаемый доход.

### IMPROVING THE TAXED INCOME BASE OF LOCAL BUDGETS

**Soatova Nodira Boboхановна -**  
PhD, Associate Professor of the Department of  
Finance Tashkent Institute of Finance

**Annotation.** This article describes ways to strengthen the revenue base of the local budget, the formation of a revenue tax base for local budgets, the determination of the revenue orientation of local budgets, the mechanisms for distributing tax revenues between different levels of budgets.

**Keywords:** local budget, local budget planning, local taxes, revenue base, revenue policy, state budget, regional finances, local governments, interbudgetary relations, legal entities, individuals, mandatory payments, tax rates, tax system, tax policy, taxable income.

**Кириши.** Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги даврида худудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий бюджетларниң аҳамияти янада ортмоқдаки, ушбу мақсадда маҳаллий бюджетларни даромадлар базасини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетлар даромад сиёсатининг муҳим ўйналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонига мувофиқ ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-куvvатлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойларда-

ги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли фармони белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш борасида маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини тубдан мустаҳкамлаш, унинг юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлиги ни қисқартириш мақсадида маҳаллий бюджетларни комплекс ривожлантириш барқарор молиялаштирилишини таъминлаш, марказ бюджетига қарамликни кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб белгиланган [2].

Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг асосий принципларидан бири унинг молиявий мустақиллиги бўлиб, маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамламасдан, унинг имкониятлари даражаси етарлилигини таъминламасдан, мазкур принципга риоя қилиш мумкин эмас. Шу боис маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда барқарор даромад сиёсати мотивацияси муҳим аҳамиятга эга.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштириш, бюджетлар аро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳиятини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш асосий мақсадимиздир [3]. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади ва унинг долзарблигини белгилайди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фирм ва муҳозаларини келтириб ўтишган.

Қонун хужжатларида ва иқтисодий адабиётларда аксарият иқтисодчи олимлар томонидан маҳаллий бюджетларнинг мазмун-моҳияти қўйидагича тавсифланган: давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари фондини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари миқдори; маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг молиявий асоси; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий қўллаб қувватлаш вазифасини бажарувчи пул маблағлари жамғармаси [4].

Иқтисодчи И. Ивановнинг фикрича, маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш орқали, хусусан, унитар давлатларда бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти марказий хукумат ва маҳаллий хокимият

қўлида даромадларнинг сезиларли қисмининг жамланиши билан белгиланади. Марказий хукумат бундай маблағларни қайта тақсимлаш орқали худудий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим молиявий инструментни қўлга киритади [5].

Мамлакатимизнинг баъзи бир иқтисодчилари маҳаллий бюджетларнинг даромад базаларини мустаҳкамлашда айнан солиқли даромадлар миллий даромадни тақсимлаш воситаси сифатида ифодалашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, «солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шаклидир» [6].

Проф. О.Олимжоновнинг фикрича, солиқнинг қўйидагича таърифланиши уларнинг моҳияти кенгроқ очиб беради: «Солиқлар давлат ва жамиятнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қонун томонидан белгилаб қўйилган ҳажмда ва ўрнатилган муддатда жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан давлат ихтиёрига мажбурий равища ундириб олинадиган тўловлардир» [7]. Фикримизча, солиқларга берилган мана шу таъриф уларнинг моҳиятини кенгроқ очиб беради.

Ёш иқтисодчи олим ва мутахассислардан бири Р.Шомуродов умумлаштирилган ҳолда солиқларга шундай таъриф берган: «Солиқлар давлат харажатларини қоплаш учун пул маблағларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва унинг иқтисодиётга аралашувини таъминлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслардан мажбурий равища, қайтариб бермаслик шарти билан қонуний тартибда бюджетларга ундирилмаган мажбурий тўловлардир» [8].

Келтирилган ушбу таърифда ҳам солиқларнинг моҳияти очиб берилган. Бу хилдаги фикрларнинг мавжудлиги солиқларнинг иқтисодий моҳиятини чеклаб қўяди. Солиқлар моҳиятини асослашда принципиал ёндашмоқ керак ва бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асарида «аввало солиқ тизими ўзига хос вазифани – фискал (хазинани тўлдириш), қайта тақсимлаш ва рағбатлантириш вазифасини тўла даражада бажариши керак»[9] деб алоҳида таъкидлаб ўтилиши диккатга моликдир.

Солиқларга берилган бундай таъриф, солиқларнинг моҳиятини очиб беришда унинг вазифаларидан келиб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Солиқлар давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим омилларидан бўлиб, бюджет даромад қисмини энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун зарур миқдорда маблағ билан таъминлаши лозим. Шунингдек, солиқлар ЯИМнинг бир қисмини қайта тақсимлайди ва аҳолини ижтимоий

ҳимоялашни таъминлашда бевосита иштирок этади.

**Тадқиқот методикаси.** Маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш ва уни такомиллаштириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, маҳаллий бюджет даромадлари таркибини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш ва номарказлаштириш асосида худудларни комплекс ривожлантиришини барқарор молиялаштириш, бюджетлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, янги иш жойлари яратиш ҳамда ахоли бандлигини таъминлаш, мұхандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳисобига солиқ салоҳия-

тини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишда уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш асосий мақсадимиздир [10].

Иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги даврида ҳудудларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти янада ортмоқдаки, ушбу мақсадда маҳаллий бюджетларни даромадлар базаси-ни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир ҳудуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқдир. Хусусан, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари таркибида вилоят бюджети даромадлари катта салмоққа эга бўлиб, таҳлил қилинган давр оралиғида жами бюджет даромадларининг ўртача 54,1 фоизини ташкил этган. Ўз навбатида, туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг салмоғи эса паст даражададир (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Фарғона вилоятининг туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг вилоят бюджетидаги салмоғи (фоиз ҳисобида)

№	Маҳаллий бюджетлар номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Вилоят бюджети	48,7	43,8	75,4	36,7	65,9
2.	Фарғона шаҳри	7,0	8,3	2,9	8,8	5,5
3.	Қўйон шаҳри	6,5	7,2	2,1	7,3	4,2
4.	Қувасой шаҳри	2,5	2,8	1,0	2,7	1,8
5.	Марғилон шаҳри	3,7	4,0	1,4	4,9	2,5
6.	Олтиариқ тумани	2,1	2,1	1,2	2,8	1,5
7.	Боғдод тумани	2,6	2,5	1,3	3,4	1,2
8.	Бувайда тумани	1,5	1,6	1,3	2,4	1,2
9.	Бешариқ тумани	2,0	2,1	1,3	2,9	1,6
10.	Қува тумани	2,9	3,0	1,4	3,6	1,7
11.	Учкўприк тумани	2,1	2,2	1,2	3,2	1,6
12.	Риштон тумани	2,3	2,6	1,1	2,7	1,4
13.	Сўҳ тумани	0,6	0,6	0,7	0,9	0,4
14.	Тошлоқ тумани	2,5	3,3	1,0	3,6	1,7
15.	Ўзбекистон тумани	2,5	2,6	1,5	3,4	1,9
16.	Фарғона тумани	4,0	5,0	1,3	2,6	1,8
17.	Данғара тумани	2,7	2,6	1,2	2,6	1,1
18.	Фурқат тумани	0,9	0,9	0,8	1,2	0,8
19.	Ёзёвон тумани	1,3	1,2	0,9	2,1	0,9
20.	Қуштепа тумани	1,7	1,6	1,1	2,2	1,3
<b>Жами</b>		<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

**Манба:** Фарғона вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, маҳаллий бюджетларнинг аксарият даромадлари маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари ҳисобидан шаклланади. Хусусан, 2020 йилда Фарғона вилояти маҳаллий бюджет даромадларининг 85 фоизи солиқли даромадлардан шаклланти-

рилган. Шу нуқтаи назардан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш борасидаги тадқиқотларнинг аксариятида асосий урғу солиқли даромадларга ва уларни оширишга қаратилади. Шунинг учун қуйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида тадқиқотимиз обьекти бўлмиш Фарғо-

на вилояти мисолида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадларига иқтисодий ўзгаришларнинг таъсирини баҳолашга имкон берувчи эконометрик таҳдилни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда Фарғона вилояти маҳаллий бюджети солиқли даромадларига вилоятдаги

иқтисодиётда банд бўлганлар сони (БС), фаолият кўрсатувчи фаол корхоналар сони (КС) ҳамда ўзлаштирилган асосий капиталга инвестициялар ҳажмининг таъсирини баҳоловчи моделлаштиришни амалга оширамиз.

## 2-жадвал

### Фарғона вилоятининг айрим макроиктисодий кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгариши

Йиллар	Маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадлари (СД), млрд.сўм	Иқтисодиётда бандлар сони (БС), минг нафар	Корхоналар сони (КС), дона	Асосий капиталга инвестиациялар (И)
2006	267	1170,6	12 101	178
2007	406	1206,4	13 086	273
2008	445	1280,1	14 872	485
2009	678	1311,7	15 504	663
2010	811	1340,4	16 879	931
2011	921	1367,6	18 259	1 261
2012	1 067	1398,8	19 016	1 506
2013	1 217	1431,1	19 230	2 130
2014	1 389	1462,8	21 173	2 295
2015	1 530	1485,3	21 795	2 542
2016	1 601	1508,3	23 083	2 644
2017	1 878	1525,7	23 310	2 955
2018	1 595	1451,0	25 571	5 539
2019	3 533	1492,6	29 128	8 685
2020	2 013	1438,3	35 379	11 320

**Манба:** Фарғона вилояти ҳоқимлиги Молия бошқармаси маълумотлари ва Давлат статистика қўймитасининг расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Демак, тадқиқотимизда натижавий белги маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини – СД, омил белгиларини, яъни иқтисодиётда

бандлар сонини – БС, корхоналар сонини – КС, асосий капиталга инвестицияни – И деб белгилаб оламиз.

## 3-жадвал

### 2006-2020 йиллар бўйича фойдаланилган кузатувларнинг тасвирий статистикаси

Кўрсаткич	Ўртача	Медиана	Минимум	Максимум
СД	1290,0	1217,0	267,43	3532,5
БС	1391,4	1431,1	1170,6	1525,7
КС	20559	19230	12101	35379,0
И	2893,8	2130,0	178,20	11320,0

  

Кўрсаткич	Стандарт четланиш	Вариация	Асимметрия	Эксцесс
СД	823,43	0,63830	1,2139	1,6832
БС	109,59	0,078761	-0,70181	-0,61804
КС	6223,7	0,30272	0,81135	0,29087
И	3230,9	1,1165	1,6061	1,4960

**Манба:** Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Маълумотларнинг тасвирий статистикасидан кўринадики, мазкур тадқиқотимизда кузатувлар сони 15 тани ташкил қиласди. Сднинг энг паст миқдори 267,3 млрд. сўмни, энг юқори миқдори 3532 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда инвестицияларнинг минимуми 178,2 млрд. сўмни, максимум миқдори эса 11320,2 млрд. сўмни ташкил этган. БСнинг минимуми 1170,6 минг нафарни, максимуми 1525,7 минг нафарни, КСнинг минимуми 12101 та, максимуми эса 35379 нафарни ташкил этган.

Тегишли вилоят маҳаллий бюджетларининг мустақиллиги даромад манбалари билан

биргалиқда вилоят бюджети таркибидаги туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари миқдорига ҳам боғлиқ бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари барқарорлигини ошириш, улар мустақиллигини таъминлаш учун солиқлардан берилаётган ажратмалар бюджет қонунчилигига мувофиқ, асосан, худудларнинг вилоят бюджетида қолдирилмоқда. Хусусан, Фарғона вилояти маҳаллий бюджетлари таркибида вилоят бюджети даромадлари катта салмоқча эга (ўртача 61,4 %). Туман ва шаҳар бюджетлари даромадларининг салмоғи эса паст даражада (4-жадвал).

4-жадвал

**Фарғона вилоятининг туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадларининг  
вилоят бюджетидаги ҳажми (млн. сўм ҳисобида)**

№	Маҳаллий бюджетлар номи	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
Вилоят бюджети		866 769	924 478	1 381 345	1 407 001	1 567 235
1.	Фарғона шаҳри	124 743	174 895	52 354	335 822	131 733
2.	Кўйқон шаҳри	116 288	152 673	39 011	281 562	99 004
3.	Қувасой шаҳри	44 120	58 146	17 996	105 459	42 739
4.	Марғилон шаҳри	65 183	85 093	25 746	189 480	60 208
5.	Олтиариқ тумани	37 358	44 682	22 624	106 794	36 104
6.	Боғдод тумани	47 129	53 303	22 956	131 970	29 612
7.	Бувайда тумани	27 033	33 603	23 210	91 745	28 433
8.	Бешариқ тумани	36 131	45 218	22 948	109 499	37 327
9.	Қува тумани	51 394	63 253	26 540	137 919	41 016
10.	Учкўприқ тумани	36 522	45 564	21 464	122 817	37 053
11.	Риштон тумани	41 200	54 034	21 059	101 703	33 345
12.	Сўх тумани	10 354	12 805	12 497	34 368	10 340
13.	Тошлоқ тумани	43 761	68 890	17 922	139 488	39 732
14.	Ўзбекистон тумани	43 636	54 550	28 266	129 789	46 288
15.	Фарғона тумани	71 280	106 448	24 061	99 556	43 266
16.	Данғара тумани	48 280	55 270	21 866	99 705	26 173
17.	Фурқат тумани	16 805	18 814	15 341	46 929	17 926
18.	Ёёвон тумани	22 541	24 789	16 342	81 916	21 333
19.	Күштепа тумани	29 575	34 345	19 472	82 546	30 480
	<b>Жами</b>	<b>1 780 101</b>	<b>2 110 853</b>	<b>1 833 020</b>	<b>3 836 068</b>	<b>2 379 346</b>

**Манба:** Фарғона вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Маҳаллий бюджетларнинг даромад потенциалини худуддаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш (солиққа тортиш тизимини ва солиқларнинг биринчилиши тартибини такомиллаштириш, турли йўналишларда (жумладан, инфраструктура соҳаси бўйича) маҳаллий давлат органлари ва хусусий сектор шерикчилигини йўлга қўйиш, шу билан бир қаторда муниципал уй-жой қуришга йўналтирилган муниципал облигацияларни чиқариш, олинган даромад ҳисобидан инфратузилмани ривожлантиришга инвестиция қилиш ҳамда худудлар даражасидаги давлат уй-жой сиёсати ва аҳолининг кам таъминланган қисмига молиявий ёрдам бериш ва қулай шарт-шароит яратишга йўналтириш орқали ошириш мумкин.

Шу билан бирга, худудларнинг демографик кўрсаткичлари ва уларнинг ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда тақсимланиш меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда солиқли даромадларни ҳам вертикал, ҳам горизонтал тақсимлаш, яъни алоҳида худудлар бюджетларига бир қатор солиқларнинг ўтказиб берилиши механизмлари қўлланилиши муҳим ҳисобланади. Илк бор, "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан республика бюджети харажатлари вазирлик ва идоралар кесимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари

томонидан, маҳаллий бюджетлар харажатлари эса халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган ҳамда тўлиқ маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолдирладиган даромад турлари кенгайтирилди. 2020 йилдан бошлаб барча давлат мақсадли жамғармалари ва четдан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган давлат харажатлари консолидациялашган давлат бюджетида акс эттирилиб, бюджет қамрови ва очиқлиги даражаси кучайтирилди. Халқаро стандартларга мувофиқ умумий фискал балансининг ҳисобини юритиш йўлга қўйилди [11]. Чунки маҳаллий бюджетлар барқарор даромад базаларига эга бўлса, улар хизмат қилувчи маҳаллий худудлар доирасида иқтисодий ислоҳотларни молиявий жиҳатдан таъминлашда муаммолар бўлмайди ҳамда мавжуд муаммолар осонлик билан ҳал этилади.

Маҳаллий солиқлар ва йигимлар ўзига хос тарзда классификация қилинади. Бунда улар давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискалъ аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб иккига бўлиниши мумкин: 1) қонунчилик ҳокимият органи томонидан жорий етиладиган ва мамлакатнинг барча худудларида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар; 2) маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий

солиқлар ва йиғимлар. Бюджет муносабатларини тартибга солища хусусан, маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини таъминлашда олдин харажат мөъерлари режалаштирилади ва шунга мос равища даромадлар мувофиқлаштирилади ҳамда шунинг баробарида маҳаллий бюджетлар баланслигини таъминлашга эришилади.

2016-2020 йилларда Фарғона вилояти маҳаллий бюджети даромадлари таркибини шакллантиришда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (ўртача 1,4 %), юридик шахслар

мол-мулк солиғи (ўртача 1,90 %), жисмоний шахслар мол-мулк солиғи (ўртача 2,45 %), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ўртача 37,6 %) энг катта салмоқقا эга эканлиги билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси натижасида маҳаллий бюджетларнинг солиқли даромадлари базасида, хусусан, вилоят бюджети даромадлари таркибида юридик шахслар ер солиғи ўртача 4,93 %ни жисмоний шахслар ер солиғи улуши ўртача 4,14 %ни ва ташкил этган (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Фарғона вилояти маҳаллий бюджети даромадлари таркиби (млн. сўмда)

№	Даромадлар турлари	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1.	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	35 763,3	40 917,0	101 795,2	348 922,9	181 142,6
2.	Ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар	178 771,7	204 872,8	263 100,8	114 937,8	113 071,5
3.	Хусусий тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ	70 549,7	90 191,2	91 918,0	62 619,6	29 677,4
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	289 775,2	316 628,0	388 740,4	974 882,6	1 007 044,9
5.	Жисмоний шахслар ер солиғи	47 030,7	57 845,2	71 305,5	98 630,1	110 630,8
6.	Қўшилган қиймат солиғи	441 635,8	576 495,8	245 128,2	1342 534,9	0,0
7.	Акциз солиғи	370 714,0	399 798,5	201 633,2	298 213,5	267 995,9
8.	Юридик шахслар ер солиғи	33 057,3	57 201,1	76 585,4	108 417,5	23 654,2
9.	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	39 763,7	49 773,7	66 183,9	76 709,6	65 446,9
10.	Юридик шахслар мол-мулк солиғи	51 409,1	56 514,4	80 290,8	51 761,0	50 901,0
11.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	4 704,4	8 244,1	10 027,7	24 052,2	37 050,2
12.	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	961,8	1 282,5	1 595,7	3 138,1	56 406,1
13.	Бошқа даромадлар	215 964,7	251 088,6	234 715,2	331 186,8	436 324,7
<b>Жами</b>		<b>1780 101,3</b>	<b>2110852,8</b>	<b>1833019,</b>	<b>3836 006,6</b>	<b>2675346,3</b>

**Манба:** Фарғона вилояти Молия бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Хуфиёна иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда ҳам мавжуд. Лекин унинг иқтисодиётдаги улуши қанчалигига қараб баҳоланади. Бизнинг иқтисодиётимизда бу даража бирмунча баланд. Бугунги кунда ҳалқаро ва маҳаллий эксперталарнинг ҳисоб-китобларига кўра, ЯИМнинг 45-50 фоизига teng. Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида билдириб ўтган фикрларини таъкидлаб ўтиш жоиз: “Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция мұхити ҳам шаклланмайди”[12]. Фикримизча, “айрим холларда қабул қилинган мөъерий-хукуқий ҳужжатлар ҳам хуфиёна иқтисодиётнинг ривожига ҳизмат қилмоқда. Масалан, мөъерий-хукуқий ҳужжатларга мурожаат қиласиган бўлсак, якка тартибдаги тадбиркорларга оид киритилган ўзгартиришларга биноан 2019 йил 1 январдан бошлаб товар (иш ва хизмат)ларни реализация қилишдан олинган тушум миқдорига қараб, жумладан, 100 млн. сўмгача, қатъий белгиланган солиқни; 100 млн. сўмдан 1,0 млрд. сўмгача ташкил этган-

да 4 фоизлик ставкада ягона солиқ тўловини ҳамда 1,0 млрд. сўмдан ошганда юридик шахслар томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланиши белгилаб қўйилган.

Фикримизча, ушбу ҳолат корхоналарнинг тушумларини яширишга, яъни 1,0 млрд. сўмгача етказмасдан, бошқа фирма ташкил этиб фаолиятни ўша firma орқали давом эттиришга олиб келмоқда. Натижада давлат бюджетига тушуши мумкин бўлган солиқлар тушмай қолишига ва хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатда рағбатлантирувчи иқтисодий сиёsatни қўллаб қўриш мумкин. Яъни тушуми 1,0 млрд. сўмдан ошган юридик шахсларга пасайиб борувчи солиқ юкини қўллаш мумкин, тушум ошган сари солиқ юки ҳам камайиб бориши лозим, лекин солиқ юкини энг қўйи чегарасини белгилаб қўйиш керак. Натижада, тадбиркорлик субъектлари томонидан тушумларини яширмасдан фаолият кўрсатиш манфаатли бўлиб қолади, бундай ҳолат эса банқдан ташқари пул айланмасини камайтиришга ёрдам беради ва бюджетга тушумларнинг кўпайишига туртки бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июнда “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5075-сонли фармони қабул қилинди. Фармонга асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш, аҳолининг реал даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳудудларни комплекс ривожлантиришни барқарор молиялаштирилишини таъминлаш, марказ бюджетига қарамликни кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли ва 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларини ижро этиш юзасидан, шунингдек, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш ва янги ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 29 июнда “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 445-сонли қарор қабул қилди. Қарор асосида молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари, шунингдек маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тушумларни кўпайтиришга ва солиқ солинадиган базани кенгайтиришга йўналтирилган ишларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини тартибга солиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги Вақチンчалик низом қабул қилинди. Вақチンчалик низом доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi Раисининг, вилоятлар, туманлар (шахарлар) ҳокимларининг биринчи ўринbosарлари давлат солиқ хизмати, молия органлари ва бошқа тегишли маҳаллий органлар ҳамда тижкорат банклари билан биргаликда ҳар бир туман (шахар)нинг ўзига хос хусусияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча манбаларни излаш ва шу асосда маҳаллий бюджет даромадлари базасини кенгайтириш йўли билан Ўзбе-

кистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари параметрларини сўзсиз бажариш бўйича фаолият мувофиқлаштирилган ҳолда амалга оширилиши кўзда тутилди.

Бу борада қабул қилинган кейинги меърий-хуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрда ПФ-5283-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони маҳаллий бюджетлар даражасида солиқ-бюджет сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаб берди. Жумладан:

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг аниқ турларини уларга бириттириб қўйиш орқали маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини тубдан мустаҳкамлаш;

- вилоятлар, шаҳар ва туман бюджетларни субвенсиядан чиқариш, уларнинг юқори турвчи бюджетлар ажратмаларига бўлган қарамлигини босқичма-босқич қисқартириш, бунинг асосида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш;

- маҳаллий бюджетларнинг даромадларни ошириш учун тизимли асосда қўшимча резервларни аниқлаб бориш;

- маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларининг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа обьектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

Мамлакат солиқ тизимидағи муаммолар иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялашнинг чуқурлашиб боришига мутаносиб равишида босқичма-босқич бартараф этиб борилмоқда. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, жумладан, Давлат бюджети барча даражада мутаносиб, миллий валюта ва ички бозордаги нарх даражаси барқарор бўлишини таъминлаш – энг муҳим устувор вазифамиздир [13].

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бюджет масаласи жуда муҳим ва мураккаб масала ҳисобланади. Ҳар бир ҳудуднинг ривожи, аҳолисининг турмуш шароити, ижтимоий ҳимоя, кам таъминланган оила ва шахсларни етарли даражада ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳар бир ху-

дуддаги давлат ҳокимияти органларининг молиявий масалаларини тўғри ҳал қила билишга боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонига асосан, иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражалирида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, солиқ юкини камайтириш ва солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмурятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш, инвестициявий муҳитини яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда бюджет ва ижтимоий сиёсат уйғунлигини таъминлаш мақсадида молия тизимининг соҳаларини, жумладан бюджет тизими ва айниқса, унинг таркибий қисми ҳисобланган маҳаллий бюджетларни самарали бошқариш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатининг жойлардаги ижобий ижросини таъминлаш, шунингдек, худудий иқтисодиёт муаммолари кескинлашувининг олдини олишни ҳамда маҳаллий бюджетлар хукуқ ва мажбуриятларнинг кенгайиб бориши шароитида уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш учун замин яратади. Шунингдек, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган меъёрий-хукуқий хужжатлар улар даромадлари барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир.

Даромад сиёсатини ишлаб чиқишида бюджет тизимида солиқ ва тўловларни мобилизация қилиш бўйича худудлар имкониятларини объектив баҳолаш, маҳаллий бюджет даромадларининг шаклланиш механизmlарига таъсир этувчи омиллар самарадорлигини ошириш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий ижтимоий-иктисодий оқибатларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий бюджет даромадлари базасини ошириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, худудлар, туман ҳамда шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иктисодий тараққий эттириш, инвестиция муҳитини яхшилаш орқали худудларга хорижий сармояларни фаол жалб этиш каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб [14] мазкур вазифаларни таъминлашда ривожланган давлатлар илғор тажрибасини ўрганиш, уларнинг ижобий натижаларини республикада кўллаш муҳим масала ҳисобланади.

2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бюджет соҳасидаги ваколатларини кенгайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг масъулиятини янада ошириш, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш ва маблағларидан фойдаланишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлигини таъминлашга қаратилган янги бюджет тизими жорий этилди.

Маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш орқали молиявий ресурслар салоҳиятини ошиши ҳамда маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади” [15].

Маҳаллий бюджетлар даражасида солиқли даромад сиёсатининг устувор вазифалари этиб белгиланди [16]:

1. Депутатлик ва жамоатчилик назоратини кенг жалб қилган ҳолда, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини ва унинг бажарилиши устидан назоратни таъминлаш.

2. Маҳаллий бюджетларнинг даромадларини ошириш учун тизимлилик асосида қўшимча резервларни аниқлаб бориш.

3. Маҳаллий бюджетлар даромад базаларини мустаҳкамлаш ҳамда харажатларнинг тасдиқланган параметрларини ўз вақтида, мақсадли молиялаштириш, ижтимоий соҳа объектлари ва инфратузилмани янада ривожлантириш ва тегишли даражада сақлаб туришни таъминлаш устидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, молия ва солиқ органларининг жавобгарлигини кучайтириш.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги маҳаллий бюджетларни ўз вақтида ва зарур миқдорда молиявий маблағ билан таъминлаш, маҳаллий бюд-

жетларнинг даромад манбалари ҳажмини ошириш, хусусан, бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ижросини таъминлашдаги манбаатдорлигини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар ижроси жараёнида кенг жамоатчилик фикри ва иштирокини таъминлаш муҳим устувор аҳамият касб этади. Хусусан:

- янги ўрнатилаётган тартибга кўра, даромадлар манбалари ва харажатлар турлари кесимида, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туман (шаҳар)ларининг маҳаллий бюджетлари параметрлари, шунингдек, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш резервларини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоб кўрсаткичлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва республика туман (шаҳар)лари халқ депутатлари Кенгашлари сессия-

ларида йил чораклари кесимида атрофлича кўриб чиқилади ва тасдиқланади;

- Фаргона вилояти маҳаллий бюджетининг солиқли даромадлар ҳажмининг ўзгаришига иқтисодиётда бандлар сони, корхоналар сони ва асосий капиталга инвестициялар ҳажми ўзгаришларининг ўзаро боғлиқлигининг эконометрик модели натижалари кўрсатишича: иқтисодиётда янги иш ўринларининг яратилиши ва бандликнинг таъминланиши маҳаллий бюджет даромадларининг кўпайишига олиб келади; корхоналар сонининг кўпайиши маҳаллий бюджетнинг солиқли даромадларини бирмунча камайишига олиб келади; вилоятга жалб қилинадиган инвестициялар ҳажмининг ошиши маҳаллий бюджет даромадларининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сонли фармони. <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июнданги «Маҳаллий бюджетларни шакллантириша жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5283-сонли фармони.
4. Маликов Т., Олимжонов О. Молия. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2019. 674-675 б.
5. Иванов И.Д. Европа регионов. – М.: ЮНИТИ, 1998. - с.34.
6. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мечнат, 1995. – Б. 377.
7. Олимжонов О. Бозор иқтисодиётига ўтиши даврида солиқ сиёсати. //Хаёт ва қонун. – Т., 1992. №2. – Б. 8-12.
8. Шомуров Р. Солиқларнинг функциялари. //Шарқшунослик. – Т., 2000. №3. – Б. 64-71.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 358 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 декабрдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5283-сонли фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли қарори.
12. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қоидаси бўлиши керак. – Т.: "Ўзбекистон" НМИУ, 2017. – 104 б.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мајслисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
15. Soatova N. Directions for strengthening the tax revenue base of local budgets. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues- Peer Reviewed Journal. Volume: 9 | Issue: 2 | February 2021 | Journal DOI : 10.36713/epra0713 / SJIF Impact Factor (2021): 8.047
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 13 декабрдаги ПФ-5283-сонли фармони.
17. Isaev, F. (2017). Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсирни таҳлили. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 294–301. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/9579](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579)
18. Исаев Ф. И. Солиқларни таҳлика-таҳлил қилиш методикаси. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. – 2021.
19. Isaev, F. (2021). Мол-мулкни солиққа тортишни тақомиллаштириш. Iqtisodiyot Va Innovatsion Texnologiyalar, (6), 326–333. Retrieved from [https://inlibrary.uz/index.php/economics\\_and\\_innovative/article/view/12224](https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224)